

## Риёзус солиҳийн (болалар учун) / Риёзус солиҳийн (болалар учун) / 6-ҳадис

6- عَنْ أَبِي عِمَارَةَ الْبَرَاءِ بْنِ عَازِبٍ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهُمَا قَالَ: قَالَ رَسُولُ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ: «يَا فُلَانُ، إِذَا أُوْتِيتَ إِلَى فِرَاشِكَ فَقُلْ: اللَّهُمَّ أَسَلَمْتُ نَفْسِي إِلَيْكَ، وَوَجَّهْتُ وَجْهِي إِلَيْكَ، وَفَوَّضْتُ أَمْرِي إِلَيْكَ، وَأَلْجَأْتُ ظَهْرِي إِلَيْكَ، رَغْبَةً وَرَهْبَةً إِلَيْكَ، لَا مَلْجَأَ وَلَا مَنْجَى مِنْكَ إِلَّا إِلَيْكَ، آمَنْتُ بِكِتَابِكَ الَّذِي أَنْزَلْتَ، وَبِنَبِيِّكَ الَّذِي أَرْسَلْتَ، فَإِنَّكَ إِنْ مِتَّ مِنْ لَيْلَتِكَ مِتَّ عَلَى الْفِطْرَةِ، وَإِنْ أَصْبَحْتَ أَصَبْتَ خَيْرًا» مُتَّفَقٌ عَلَيْهِ.

وَفِي رِوَايَةٍ فِي الصَّحِيحَيْنِ عَنِ الْبَرَاءِ قَالَ: قَالَ لِي رَسُولُ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ: «إِذَا أَتَيْتَ مَضْجِعَكَ فَتَوَضَّأْ وَضُوءَكَ لِلصَّلَاةِ، ثُمَّ اضْطَجِعْ عَلَى شِقِّكَ الْأَيْمَنِ وَقُلْ: وَدَكَرْ نَحْوَهُ، ثُمَّ قَالَ: وَاجْعَلْهُنَّ آخِرَ مَا تَقُولُ».

Абу Имора Барро ибн Озиб розияллоху анхудан ривоят қилинади:

Расулulloҳ соллalloҳу алайҳи васаллам:

**«Эй фалончи, агар тўшагингга ётсанг: «Аллоҳумма асламту нафсий илайка ва важжаҳту важҳий илайка ва фаввазту амрий илайка ва алжаъту заҳрий илайка, роғбатан ва роҳбатан илайка, лаа малжаа вала манжаа минка илла илайка, аманту бикитабикалазий анзалта, вабинабиййикалазий арсалта», деб айт. Албатта сен мана шуларни айтиб, ўша кечаси вафот қилсанг, Ислом фитратида ўласан. Агар тонг оттирсанг, яхшиликка етишган ҳолда тонг оттирасан», дедилар.**

Муттафақун алайҳ.

**(Маъноси:** «Аллоҳим, ўзимни Сенга таслим қилдим. Юзимни Сен томонга қаратдим. Ишимни Сенга ҳавола қилдим. Умид қилган ва қўрққан ҳолда Сенга суяндим. Сендан қочишга ва нажот топишга ҳузурингдан бошқа жой

йўқ. Туширган китобларингга ҳамда юборган пайғамбарларингга иймон келтирдим»).

**Изоҳ:** Фитрат – соф инсоний табиат, яъни исломий табиат.

Икки «Саҳиҳ» китобида Баро розияллоҳу анҳудан қилинган ривоятда қуйидагича айтилади:

«Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам менга: **“Қачон ётоғингга келсанг, намозга қилган таҳоратингдек таҳорат қилиб, ўнг томонингга ёнбошлаб (юқоридаги) дуоларни айт. Ва бу (ухлашдан олдин) охири айтадиган нарсанг бўлсин”**, дедилар».

**Шарҳ:** Пайғамбар алайҳиссалом барча нарсада бизга зарбулмасал орқали баён қиладилар. У зот бу ерда яқийн, яъни кучли ишонч ва таваккул бир-бирига ҳамоҳанг эканини зарбулмасал қилмоқдалар. Мусулмон одам ҳар бир ишни Аллоҳга топширади. Ҳатто уйқу пайтида ҳам ўзини Аллоҳга топширади. Чунки Аллоҳ таоло- Муҳайминдур, яъни ҳамма нарсани қамраб олиб, бандаларнинг барча ҳолатларига гувоҳ бўлиб туради. Ундан ҳеч нарса махфий қолмайди. Тавуккул- кучли ишончининг натижасидир. Кучли ишонч эса, қалбнинг асосий бўлагидир. У билан иймон камолотга эришади ва у билан қалб Аллоҳга талпиниб, сокинлик топади. Агар кучли ишонч қалбга кириб борса, қалб нурга, муҳаббатга, хавфга, таваккулга тўлади. Яқийн, яъни кучли ишонч шундай бир мустаҳкам нарсаки, у ҳеч қачон ўзгармайди ва тебранмайди ҳам.

### **Ҳадисдан ўрганганларимиз**

1. Мусулмон одам ҳар қандай ҳолатда ҳам Аллоҳга таваккул қилади.
2. Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам ҳар қандай ҳолатда ҳам Аллоҳни зикр қилишимизни ўргатадилар.
3. Мусулмон киши ухлаш олдидан ҳам Аллоҳни зикр қилишга ошиқади.

Манба: [hadis.islom.uz](http://hadis.islom.uz)



